Тижорат банкларида рискларни баҳолаш амалиётининг замонавий ҳолати таҳлили

Каримов Шоҳруҳ Бойдулла ўғли
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Мустақил изланувчиси

Замонавий банк фаолиятининг барқарорлиги риск ва даромад ўртасидаги мақбул мувозанатни таъминлаш билан белгиланади. Рискларни ўз вақтида аниқлаш, миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолаш ҳамда қабул қилинадиган риск даражасини банкнинг молиявий имкониятлари билан мувофиқлаштириш бошқарув қарорларининг асосланганлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан, рискларни баҳолаш кредитлаш, капитал ва ликвидлиликни режалаштириш, янги маҳсулотларни жорий этиш ҳамда банкнинг стратегик устуворликларини белгилаш жараёнларининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Тижорат банкларида рискларни баҳолашнинг замонавий ёндашувларини таҳлил қилиш ҳамда онлайн микроқарзлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш йўналишларини асослашдан иборат. Банкнинг ички статистик маълумотлари асосида таклифларнинг самарадорлиги баҳоланмаганлиги сабабли, мазкур таклифлар банкнинг риск профили ва фаолият хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалий синовдан ўтказилиши лозим бўлган методологик ёндашувлар сифатида қаралади.

Мамлакатимизда рискларни бошқаришнинг норматив асосларидан бири Марказий банк Бошқарувининг 2023 йил 7 мартдаги 4/11-сон қарори билан тасдиқланган ва 3427-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низом ҳисобланади. Мазкур ҳужжат банк фаолиятида риск-аппетитни белгилаш, рисклар ҳолатини назорат қилиш ва стресс-тест ўтказишга доир талабларни назарда тутади. Жумладан, ушбу хужжатга асосан стресс-тест тижорат банкларида камида йилига бир марта ўтказилиши кўрсатиб ўтилган. Бу талаблар рискларни баҳолашни банк стратегияси ва молиявий барқарорлиги билан боғлиқ узлуксиз жараён сифатида ташкил этишга норматив асос яратади.

Мазкур норматив талабларнинг амалий аҳамияти, айниқса, чакана кредитлашнинг онлайн микроқарзлар сегментида яққол намоён бўлади. Хусусан, Марказий банкнинг 2025 йил учун молиявий барқарорлик шарҳида микроқарзлар бўйича ўртача қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати (DSTI) 37 фоиздан 40 фоизга ошгани, шунингдек, битта қарздорга тўғри келадиган микроқарз шартномалари сони ортгани қайд этилган. Мазкур кўрсаткичлар умумий микроқарз сегментига тааллуқли бўлиб, онлайн кредитлаш натижаларини алоҳида ифодаламайди. Шунга қарамай, ушбу тенденциялар микроқарзлаш жараёнида қарздорнинг жами мажбуриятлари ва тўлов қобилиятини комплекс баҳолаш, шунингдек, кредит рискларини баҳолаш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

Онлайн микроқарз аризасини қабул қилиш, мижоз маълумотларини текшириш ва кредит қарорини шакллантириш масофавий каналлар орқали амалга оширилади. Бундай жараёнда қарор қабул қилиш тезлиги билан маълумотларнинг ишончлилиги ўртасидаги мувофиқлик муҳимдир. Автоматлаштирилган тизимдаги нотўғри қоида ёки маълумотларни қайта ишлашдаги хато кўп сонли аризаларга бир хил таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис онлайн микроқарз кредитларида рискини баҳолаш маълумотлар сифати, фирибгарлик холатларига қарши назорат ва ахборот тизимларининг барқарор ишлаши билан биргаликда ташкил этилиши лозим.

Методологик жиҳатдан онлайн микроқарз бўйича баҳолашни ўзаро боғлиқ босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Дастлаб мижознинг шахси ва тақдим этилган маълумотларнинг мувофиқлиги текширилади. Кейин кредит тарихи, амалдаги мажбуриятлар, тўлов интизоми, даромад манбалари ва маҳсулот талабларига мувофиқлик баҳоланади. Ушбу маълумотлар асосида скоринг натижаси шакллантирилиб, қарз юки ва банкнинг ички лимитлари билан биргаликда якуний қарор қабул қилинади. Бунда кредитга лаёқатлиликни баҳолаш ва фирибгарлик белгиларини аниқлаш алоҳида вазифалар сифатида қаралиши зарур.

Онлайн микроқарзларда даромадни баҳолаш маълумотларнинг иқтисодий мазмунини тўғри талқин қилишни талаб этади. Банк ҳисобварақлари ва карта айланмалари мижознинг молиявий фаоллиги тўғрисида қўшимча ахборот бериши мумкин. Бироқ картага келиб тушган барча маблағларни барқарор даромад сифатида қабул қилиб бўлмайди. Хусусан, мижознинг ўз ҳисобварақлари ўртасидаги ўтказмалари, кредит маблағлари ва такрорий операцияларни алоҳида ажратиш зарур. Даромадни баҳолашда тушумларнинг миқдори билан бирга уларнинг мунтазамлиги, манбаси ва вақт бўйича барқарорлигини ҳисобга олиш таклиф этилади.

Қарз юкини баҳолаш онлайн микроқарзлаш жараёнида қарз олувчининг тўлов қобилиятини аниқлаш ва кредит қарорини иқтисодий жиҳатдан асослашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2025 йил 22 апрелда 3618-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, унда назарда тутилган истисно ҳолатлардан ташқари, кредит ёки микроқарз ажратишда қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан ошмаслиги лозим. Шунингдек, қарз юки кўрсаткичини жами асосий қарзнинг ўртача ойлик даромадга нисбати билан аралаштирмаслик зарур: улар тўлов қобилиятининг турли жиҳатларини ифодалайди ва тегишли норматив талаблар асосида баҳоланади.

Норматив талабларга мувофиқлик мижознинг кредит тавакалчилиги паст даражада эканлигини баҳолаш учун мустақил ва етарли мезон ҳисобланмайди. Даромаднинг ўзгарувчанлиги, мавжуд кечикишлар ва қарздорликнинг ўсиш суръати ҳам қарорга таъсир қилиши керак. Сўралган сумма мижознинг тўлов имкониятларига мос келмаган ҳолларда, банк сиёсати доирасида камроқ сумма

бўйича муқобил таклифни ҳисоблаш мумкин. Бундай таклиф учун қарз юки, скоринг ва бошқа чекловлар қайта текширилиши лозим.

Кредит рискини миқдорий баҳолашда дефолт эҳтимоли — PD, дефолт ҳолатидаги йўқотиш даражаси — LGD ва дефолт вақтидаги кредит талаби ҳажми — EAD параметрларидан фойдаланиш мумкин. Онлайн микроқарзларга нисбатан ушбу баҳолар маҳсулот шартлари, мижозлар таркиби, дефолт таърифи ва прогноз даврига мувофиқ шакллантирилиши зарур. Скоринг натижасини кредит суммаси ва бошқа шартларга боғлашда моделнинг қўлланиш доираси ҳисобга олиниши лозим. Кредит ажратиш учун ишлаб чиқилган баҳоларни кутилаётган кредит йўқотишларини ҳисоблашга татбиқ этиш эса тегишли методологик мослаштиришни талаб қилади.

Автоматлаштирилган қарорларнинг текшириш имкониятини таъминлаш учун ҳар бир ариза бўйича фойдаланилган маълумотлар санаси, модель версияси, текширув натижалари ва қарор сабабларини сақлаш таклиф этилади. Ташқи ахборот манбасининг вақтинча ишламаслиги ёки маълумотнинг тўлиқ келмаслиги мижознинг кредитга лаёқатсизлиги сифатида кўрилмаслиги лозим. Бундай ҳолатлар учун маълумотни қайта олиш ёки аризани қўшимча кўриб чиқиш тартибини белгилаш қарорлар сифатини ва рад этиш сабаблари таҳлилини яхшилашга хизмат қилади.

Онлайн микроқарзлар портфелини баҳолаш кредит ажратилганидан кейин ҳам давом этиши лозим. Фақат муаммоли кредитлар улушига таяниш рискларнинг дастлабки белгиларини кеч аниқлашга олиб келиши мумкин. Шу боис биринчи тўловдаги кечикиш, қисқа муддатли просрочкаларнинг такрорланиши, мунтазам тушумларнинг камайиши ва янги қарз мажбуриятларининг пайдо бўлишини эрта огоҳлантирувчи индикаторлар сифатида синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир сигнал бўйича масъул бўлинма, кўриб чиқиш муддати ва амалий чора белгиланиши унинг бошқарув аҳамиятини оширади.

Онлайн микроқарзларда скоринг моделларининг ишончлилигини таъминлаш учун мустақил валидация ва мунтазам мониторингни йўлга қўйиш таклиф этилади. Бунда моделнинг рискли ва риск даражаси паст мижозларни ажратиш қобилияти, прогноз қилинган дефолт эҳтимолининг амалдаги натижаларга мувофиқлиги ҳамда маълумотлар тақсимотидаги ўзгаришлар биргаликда баҳоланиши керак. Моделни қайта калибрлаш ёки алмаштириш тўғрисидаги қарор ягона статистик кўрсаткичга эмас, ушбу натижаларнинг комплекс таҳлилига асосланиши мақсадга мувофиқ.

Онлайн микроқарзлар бўйича рискларни банкнинг умумий молиявий барқарорлиги билан боғлаш учун сценарий таҳлилидан фойдаланиш мумкин. Аҳоли даромадларининг пасайиши ёки тўлов интизомининг ёмонлашиши кредит йўқотишлари, пул тушумлари ва захираларга бўлган эҳтиёжга бир вақтда таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли салбий сценарийлар натижаларини маҳсулот лимитлари, капитал ва ликвидлиликни режалаштиришда инобатга олиш таклиф этилади. Сценарий натижалари белгиланган фаразлар шароитидаги эҳтимолий оқибатларни ифодалаши ҳисобга олиниши лозим.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг молияни рақамлаштиришга бағишланган ҳисоботида янги технологияларнинг афзалликлари ва улар билан боғлиқ рисклар таҳлил қилинган. Хусусан, банкнинг ташқи технологик хизмат кўрсатувчиларга боғлиқлигига эътибор қаратилган. Шу сабабли рақамлаштириш самарадорлигини баҳолашда операцияларнинг бажарилиш тезлиги билан бирга, банк хизматларининг узлуксизлиги ва маълумотларнинг ҳимояланганлиги ҳам ҳисобга олиниши лозим. Шунингдек, ташқи хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимида носозлик юз берганда, унинг банк операциялари ва мижозларга хизмат кўрсатишга таъсирини олдиндан баҳолаш зарур.

Тижорат банкларида рискларни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш маълумотлар сифати, моделлар ишончлилиги ва баҳолаш натижаларининг амалий қарорларга таъсирини биргаликда кучайтиришни талаб этади. Онлайн микроқарзлашда бу вазифа мижозни текширишдан бошлаб кредитнинг бутун амал қилиш давридаги мониторинггача бўлган жараёнларни мувофиқлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Таклиф этилаётган ёндашувнинг методологик аҳамияти тўлов қобилияти, кредит риски ва рақамли каналга хос хавфларни ягона баҳолаш жараёнида бирлаштиришдан иборат. Унинг самарадорлиги эса қарор қабул қилиш тезлиги, кредит сифати, риск сигналларига муносабат билдириш муддати ва кузатилган йўқотишлар орқали эмпирик текширилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. «Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисида»ги Низом. 2023 йил 7 мартдаги 4/11-сон қарор; рўйхат рақами 3427, 2023 йил 18 апрель. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. Lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. «Банкларга ўрнатиладиган макропруденциал нормативлар ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар (микроқарзлар) бўйича тўловларнинг энг юқори қийматларига доир талаблар тўғрисида»ги Низом. Рўйхат рақами 3618, 2025 йил 22 апрель. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. Lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. *2025 йил учун молиявий барқарорлик шарҳи*. — Тошкент, 2026..

4. Basel Committee on Banking Supervision. *Digitalisation of Finance*. — Bank for International Settlements, 2024.